

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Fil.02.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

РАХМОНОВ НАВРЎЗ САТТОРОВИЧ

**ЎЗБЕК ТИЛИ НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ШЕВАЛАРИ МОРФОЛОГИК
ХУСУСИЯТЛАРИНИНГ ЛИНГВОАРЕАЛ ТАДҚИҚИ**

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2019

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD) диссертация
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
philological sciences**

Рахмонов Наврўз Сатторович

Ўзбек тили Навоий вилояти шевалари морфологик хусусиятларининг
лингвоареал тадқиқи 3

Рахмонов Навруз Сатторович

Лингвоареальное исследование морфологических особенностей говоров
узбекского языка Навоийской области 23

Rakhmonov Navruz Sattorovich

Lingvo-areal study of morphological features of the Uzbek language of Navoi
region..... 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 45

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Fil.02.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

РАХМОНОВ НАВРЎЗ САТТОРОВИЧ

ЎЗБЕК ТИЛИ НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ШЕВАЛАРИ МОРФОЛОГИК
ХУСУСИЯТЛАРИНИНГ ЛИНГВОАРЕАЛ ТАДҚИҚИ

10.00.01 – Ўзбек тили

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Самарқанд – 2019

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.3.PhD/Fil495 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Навоий давлат педагогика институтида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.samdu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Муродова Нигора Қулиевна
филология фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Каримов Суён Амирович
филология фанлари доктори, профессор

Аширбоев Самихон
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи илмий муассаса:

Наманган давлат университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Fil.02.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил “_____” _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: rector@samdu.uz Самарқанд давлат университети, Бош ўқув биноси, 105-хона).

Диссертация билан Самарқанд давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (0366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (0366) 239-11-40).

Диссертация автореферати 2019 йил “_____” _____ да тарқатилди.
(2019 йил «_____» _____ даги _____-рақамли реестр баённомаси).

М.Қ. Мухиддинов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

А.Б.Пардаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.д.

А.Э.Маматов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигининг диалектология соҳасида ҳар қандай тилнинг қуйи босқичи бўлган лаҳжа ва шеваларни ҳар томонлама чуқур ўрганиш асосида ҳудуднинг диалектал лисоний табиатини ўзида акс эттирган ҳодисаларнинг мукамал ареал тавсифини яратиш борасида муайян тадқиқотлар бажарилган. Шеваларда дунё халқларининг асрлар давомида шаклланган жуда қадимги турмуш тарзи, урф-одатлари, моддий ва маънавий маданияти акс этади. Шу нуқтаи назардан, ҳар бир тил доирасидаги лаҳжа ва шеваларнинг фонетикаси, фонологияси, морфологияси, синтаксиси ва лексикасини тўла ва систем тарзда ўрганиш соҳа тараққиётини таъминлайдиган муҳим омиллардан ҳисобланади.

Жаҳондаги барча тилларда шевалар адабий тилининг пойдевори ва ўзаги саналади. Шевалардан ёзиб олинган диалектал материаллар фақатгина лингвистик материал бўлибгина қолмай, айти пайтда этноснинг тарихи, маданияти, ментал хусусиятларини ўзида акс эттирган бой манба ҳамдир. Айтиқса, бугунги глобаллашув шароитида ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлар тилга ўз таъсирини ўтказмай қўймайди. Шу мақсадда ҳам шеваларни ўз вақтида ёзиб олиш ва улар тўғрисида муайян хулосаларга келиш, илмий асосларда ўрганиш ҳар доимгидан ҳам долзарблик касб этмоқда. Бинобарин, тил ва жамият муносабатларини яхлит ҳолда ўрганишда диалект ва шева ареалларини тадқиқ этиш катта аҳамият касб этади.

Мустақиллик йилларида ўзбек диалектологиясининг деярли барча соҳалари бўйича тадқиқотлар бажарилган бўлса-да, ўзбек тили лаҳжа ва шеваларининг ареал тарқалиши етарли даражада ўрганилмаган. Бу Навоий вилояти ўзбек шевалари морфологиясига ҳам тегишлидир. “Инновация – бу келажак дегани. Биз буюк келажакимизни барпо этишни бугундан бошлайдиган бўлсак, уни айнан инновацион ғоялар, инновацион ёндашув асосида бошлашимиз керак”¹. Агар халқ шевалари ўз вақтида ўрганилмас экан, улар давр ўтиши билан истеъмолдан чиқади. Зеро, “тил доимо ўсишда, ривожланишда бўлган динамик ҳодисадир”². Шу боис ҳам ўзбек тилшунослигида халқ шеваларининг у ёки бу хусусиятларини анъанавий методлар билан бирга тилшуносликнинг янги методлари, хусусан, лингвоареал йўналишда тадқиқ этиш энг долзарб масала эканлиги билан аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги “Тараққиёт йўлимизнинг шиддати янада ошаверади” мавзусидаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2018 йил, 29 декабрь.

²Нурмонов А. Лингвистик тадқиқот методологияси ва методлари. – Тошкент: Академнашр, 2010.–Б. 61.

фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори ҳамда 2018 йил 28 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномаси талабларига мос равишда фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти ҳам муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбек тилшунослигининг ажралмас тармоғи ҳисобланган ўзбек диалектологияси соҳасида шеваларни яхлит ҳолда ўрганишга бағишланган жуда катта илмий тадқиқот ишлари амалга оширилиб, Ш.Шоабдурахмонов, Б.Жўраев, Ф.Абдуллаев, С.Иброҳимов, М.Мирзаев, А.Шерматов, Х.Дониёров каби тилшуносларнинг меҳнати самараси ўлароқ, ўзбек шеваларининг ҳудудий мукамал тавсифи яратилди³. Ўзбек шеваларининг морфологик хусусиятлари Ю.Жуманазаров, Й.Иброҳимов, Х.Алимуродов, Н.Ражабов, К.Раҳимова, Т.Йўлдошевларнинг тадқиқотларида монографик тарзда ҳам ўрганилган. Бу тадқиқотларда ўзбек шевалари морфологияси тарихий-қиёсий, тавсифий усулларда тадқиқ этилган⁴.

Ареалогиянинг махсус тадқиқ усули бўлган лисоний-жуғрофий усул билан ўзбек шевалари кейинги йилларда А.Б.Жўраев, Қ.Мухаммадҷонов, Й.Иброҳимов, Н.Муродова, И.Дарвешовлар томонидан ўрганилган⁵. Шунга

³ Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек адабий тили ва халқ шевалари. Филол. фан. д-ри ... дисс. – Тошкент, 1963. –483 б.; Жўраев Б. Юқори Қашқадарё шевалари. – Тошкент: Ўзакадемнашр, 1969. – 168 б.; Абдуллаев Ф. Хоразм шевалари. – Тошкент: Ўзакадемнашр, 1968. – 347 б.; Иброҳимов С. Ўзбек тилининг касб-хунар лексикаси (Фарғона шеваларининг материаллари асосида). Филол. фан. д-ри...дисс. – Тошкент, 1960.

– 471 б.; Мирзаев М. Бухоро группа шевалари. Филол. фан. д-ри...дисс. – Тошкент, 1965.–461б.; Шерматов А. Проблемы исторического развития и современного функционирования узбекских диалектов. Дис...д-ра филол. наук. – Ташкент, 1978. –339 с.; Дониёров Х. Эски ўзбек адабий тили ва қипчоқ диалектлари. – Тошкент: Фан, 1976. – 139 б.

⁴ Джуманазаров Ю. Морфологические особенности Хазараспского говора узбекского языка. Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Ташкент, 1961. – С.25; Иброҳимов Й. Ўзбек тили Хўжайли – Қўнғирот шеваларининг морфологияси (турланиш, тусланиш, ясалиш). Филол. фан. номз. дисс... – Тошкент, 1974. – Б.177; Алимуродов Х. Морфология узбекских, кипчакских говоров низовья Сурхондарьи. Дисс... канд. филол. наук. – Ташкент, 1982; Ражабов Н. Морфологическая структура имени и глагола в узбекских народных говорах. Дисс. док. филол. наук. – Самарканд, 1986; Раҳимова К. Узбекские говоры Туркменистан (Морфология). Дисс... д-ра филол. наук. – Ташкент, 1983. – С.167; Юлдашев Т. Морфологический строй узбекских говоров Таджикистана. Автореф. дисс... д-ра филол. наук. – Ташкент, 1990. – 50с.

⁵ Джураев А. Теоретические основы ареального исследования узбекоязычного массива. – Ташкент, 1991.

–С.218; Мухаммеджанов К. Ареальное исследование узбекских говоров Южного Казахстана. Автореф. дисс...д-ра филол. наук. –Ташкент, 1988. – 44 с.; Иброҳимов Й. Жанубий Оролбўйи ўзбек шевалари тадқиқи. Филол. фан. д-ри... дисс. – Тошкент, 2000. – 366 б.; Муродова Н. Ўзбек тили Навоий вилояти шеваларининг лингвоареал талқини. –Тошкент, 2006. – 309 б.; Дарвешов И. Жануби-ғарбий Наманган

қарамай, ўзбек шеваларининг барча ҳудудий кўринишлари лингвоареал усулда тўлиқ тадқиқ қилинган эмас. Бу Навоий вилояти ўзбек шевалари морфологиясига ҳам тегишлидир. Тадқиқот объекти бўлган Навоий вилояти ўзбек шевалари морфологияси ўзига хос хусусиятлари билан бошқа ўзбек шеваларидан фарқланади. Айти замонда ўзбек тилшунослигида мазкур ҳудуднинг морфологик хусусиятлари алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган. Ушбу иш Навоий вилояти ўзбек шевалари морфологик хусусиятларини илк бор лингвоареал усулда ўрганишга бағишланган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Навоий давлат педагогика институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ, ХТ–Ф2–004 рақамли “Ўзбек халқ педагогикаси ва фольклор анъаналари” (2008–2010) мавзусидаги ёш олимларнинг фундаментал лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Навоий вилояти ўзбек шевалари бўйича тўпланган фактик материаллар асосида шеванинг ўзига хос морфологик хусусиятларини тавсифлаш, бошқа ўзбек шевалари, қадимги ёзма ёдгорликлар тили материаллари билан қиёслаш, уларни лингвоареал усулда ўрганиб, ҳудудий тарқалишини хариталаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

Навоий вилояти ўзбек шевалари морфологик хусусиятларининг ареал тарқалишини аниқлаш, уларни хариталаштириш;

тадқиқ этилаётган шеваларга қардош ва ноқардош тилларнинг таъсирини аниқлаш;

Навоий вилояти ўзбек шевалари морфологик хусусиятларининг туркий тиллар билан ўзаро муносабати масалаларини ёритиш;

мазкур ҳудуд шеваларининг ҳудудий жиҳатдан ёндош бўлган Бухоро ва Самарқанд шевалари билан ўхшаш ва фарқли томонларини ёритиб бериш;

Навоий вилояти ўзбек шеваларидаги грамматик формаларнинг маъно ва вазифалари, ривожланиш тараққиётини ўзбек адабий тили, тил тарихи, шунингдек, бошқа ўзбек шеваларига қиёслаш орқали таҳлил қилиш.

Тадқиқотнинг объекти Навоий вилояти, шунингдек, Ўзбекистоннинг барча вилоятларида 2008–2018 йиллар мобайнида олиб борилган диалектологик изланишлар натижасида ахборотчилардан ёзиб олинган диалектологик материаллардан иборат.

Тадқиқотнинг предметини Навоий вилояти ўзбек шеваларининг ўзига хос морфологик хусусиятлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда диахрон ва синхрон аспектларда лингвоареал, тавсифий, қиёсий-тарихий таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўзбек халқ шеваларининг, жумладан, Навоий вилояти ўзбек шевалари морфологик хусусиятларининг лингвоареал, тавсифий, қиёсий-тарихий ва этнолисоний жиҳатлари очиб берилган;

Навоий вилояти ўзбек шевалари республикамизнинг барча вилоятлари, шунингдек, кўшни республикалардаги ўзбек шевалари материаллари билан қиёслаш орқали морфологик бирликларининг ареаллари асосланган;

Навоий вилояти ўзбек шеваларида 50 дан ортиқ морфологик кўрсаткичнинг 300 дан ортиқ вариантлари мавжудлиги далилланган;

Навоий вилояти ўзбек шевалари морфологияси бўйича тўпланган фактик материаллар асосида мазкур шеваларнинг морфологик изоглоссалари аниқланган;

тадқиқот объекти бўлган Навоий вилояти ўзбек шевалари ёзма ёдгорликлар тилида учрайдиган айрим морфологик бирликлар ва бошқа ўзбек шеваларида қайд этилмаган морфологик хусусиятларни ўзида сақлаб келаётганлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

халқ тилидаги диалектал хусусиятлар адабий тил ва турли маданий-маърифий муассасаларнинг таъсири натижасида камайиб, шевалар ўртасидаги ўзига хос фарқлар текисланиб, адабий тилга сингиб бораётган жараёнда, шеваларнинг бой лисоний бойликларини тўплаш ҳамда уларнинг адабий тил мулкига айланишига кўмаклашиш муҳимлиги билан боғлиқ тадқиқотлар ва методик ишлар яратилишига қўл келиши асосланган;

тадқиқот натижалари ўзбек шевашунослиги, тил тарихи фанлари учун муҳим илмий-назарий маълумотлар бериши, тилшуносликнинг диалектология, лингвокультурология, услубшунослик, этнолингвистика каби соҳалари бўйича дарслик ва ўқув қўлланмаларининг мукамаллашувига хизмат қилиши далилланган;

Навоий вилояти ўзбек шевалари морфологик хусусиятлари бўйича тузилган лисоний хариталар тадқиқ этилаётган шевалар морфологик тузилишининг тарқалиш ареалларини, шевалараро ҳудудий фарқларни белгилашга, шунингдек, ҳудуд тилининг ички таснифини бера олишга, келажакда яратилажак ўзбек тилининг диалектологик атласи учун манба вазифасини ўташга хизмат қилиши исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги таҳлилга тортилган материаллар ўзбек адабий тили ва ўзбек халқ шевалари табиатидан келиб чиққан ҳолда хулосалар қилиш имконини берганлиги, уларнинг асослилиги, назарий маълумотларни беришда аниқ илмий манбаларга таянилганлиги, методологик мукамаллиги, қўйилган муаммонинг аниқлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги, жаҳон тилшунослиги ва ареал лингвистиканинг янги таҳлилий усуллари асосида ўрганилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот ишининг илмий аҳамияти шундаки, Навоий вилояти ўзбек шеваларининг морфологик хусусиятларини лингвоареал усулда тадқиқ қилиш натижасида чиқарилган хулосалардан ўзбек тилшунослиги ва диалектологиясини янги

назарий маълумотлар билан тўлдиришда фойдаланиш мумкин. Тадқиқ этилаётган мазкур шеваларнинг морфологик хусусиятларини ўрганиш уни бошқа ҳудуд шевалари, қардош тиллар, тил тарихи билан қиёслаш нафақат ўзбек диалектологияси учун, балки умумтуркий тиллар диалектологиясининг долзарб масалаларини ҳал қилишда ҳам катта аҳамиятга эга.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, тўпланган материаллар асосида яратилган хариталар “Ўзбек халқ шевалари атласи” ни яратиш ва тўлдиришда манба бўлиб хизмат қилади. Тадқиқот мобайнида тўпланган баъзи луғавий бирликлардан “Ўзбек халқ шевалари луғати”, “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” ни янги маълумотлар билан тўлдиришда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, олинган натижа ва хулосалардан мактаб, лицей, олий ўқув юртлари учун келажакда ёзиладиган дарслик ва ўқув қўлланмаларини янги илмий назариялар билан бойитишда ва мукаммалаштиришда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Навоий вилояти ўзбек шевалари морфологик хусусиятларини ареал тадқиқ қилиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

диалектал морфологик шаклларнинг халқ дostonларида учрайдиган кўринишлари, шунингдек, *бештош*, *оққияр*, *қорабосипти*, *гулафшон* каби ўнлаб этнографизмларнинг ясалиши ва ҳудудий тарқалишига оид назарий хулосалардан ХТ-Ф2-004 рақамли “Ўзбек халқ педагогикаси ва фольклор анъаналари” мавзусидаги (2008-2010) фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил

1 майдаги 89-03-1706-сон маълумотномаси). Натижада инсониятнинг бадий тафаккури маҳсули бўлган халқ дostonларини ўргатишда диалектал билимлардан фойдаланиш ўқувчиларнинг компетентлигини оширувчи восита эканлиги очиқ берилган;

шевалардаги кўшма сўзлар деривацияси масалаларига оид хулосалардан ОТ-Ф8-062 рақамли “Тил тараққиётининг деривацион қонуниятлари” мавзусидаги (2007-2011) фундаментал лойиҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 2019 йил 1 майдаги 89-03-1706-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши натижасида диалектал кўшма сўзларнинг ясалишида қисмларнинг, ўзбек адабий тилидагидек, муайян семантик, грамматик муносабатлар доирасида умумтилнинг қисқалик, тежамлилик тамойилларига кўра ўзаро бирикиши, шеваларда айрим лисоний қолиплар асосида сўз ясалишининг сермахсуллиги асосланган;

лисоний ҳодисаларнинг ареал тарқалишини белгилашга оид хулосаларидан ИОТ–2014-1-41 рақамли “Ёшларда юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни миллий қадриятлар негизида шакллантириш йўналишидаги тадқиқотлар илмий натижалари асосида мультимедия ўқув қўлланмасини яратиш” мавзусидаги (2015-2017) инновация лойиҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 27 майдаги 89-03-2257-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижалари мультимедия ва аудиокитоб шаклидаги ўқув воситаларини яратишга хизмат қилган;

диалектал шароитларда ўқувчилар нутқ маданиятини, мулоқот одобини ва уларнинг тил компетенциясини шакллантириш ва такомиллаштиришга оид хулосаларидан 47-09/07-13 рақамли “Китобхонликка янги қадам” номли амалий лойиҳада фойдаланилган. (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 27 майдаги 89-03-2257-сон маълумотномаси). Натижада талабалар бадиий асарлар матнида учрайдиган шева бирликларининг таъсирчанликни оширишдаги аҳамияти юзасидан маълумотга эга бўлишган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро, 7 та республика анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертациянинг асосий мазмуни 1 та монографияда, шунингдек, республика илмий журналларида, илмий-назарий ва илмий-амалий конференциялар материалларида эълон қилинган 18 та илмий мақола ҳамда тезисда ўз аксини топган. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларида 4 та, хорижий мамлакат журналларида 1 та илмий мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч асосий боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, 136 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, илмий тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, илмий янгилиги, назарий ва амалий аҳамияти, объекти ва предмети, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, жорий қилиниши, апробацияси, тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Навоий вилояти ўзбек халқ шеваларининг морфологик хусусиятлари”** деб номланиб, уч бўлимдан иборат. Мазкур бобда тадқиқ этилаётган ҳудуд ўзбек шевалари морфологиясининг ўзига хос хусусиятлари, умумўзбек шевалари ва тил тарихига бўлган муносабати масалалари лисоний далиллар асосида таҳлил қилинди. Биринчи бўлим *“Кўплик, эгалик, келишик шакллариининг ареали”* деб номланиб, уч бандни ўз ичига олади. Ушбу бўлимнинг *“Кўплик шакллариининг ареали”* деб номланган биринчи бандида кўплик шаклининг тадқиқ этилаётган ҳудуд шеваларига хос кўринишлари, жумладан, *-лар // -лэр, -ла // -лә, -а, -ар, -нар // -нэр, -зар // -зэр, -дар // -дэр, -тар // -тэр* вариантлари мавжудлиги аниқланди.

Навоий вилояти ҳудудида ўзбек ва қозоқ халқлари азалдан ёнма-ён, баъзи ҳудудларда эса аралаш яшаб келади. Албатта, бу у ёки бу миллат вакилининг тилига ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Жумладан, Нурота туманининг Қизилча, Конимех туманининг Шўртепа қишлоқлари шеваларида қозоқлар билан аралаш яшайдиган ўзбеклар нутқида кўплик шаклининг *-дар // -дәр, -тар // -тәр* шакллари учрайди: *Създәрдь айтдь.*

этт әрдь бәйләдънгмә? каби. Кўплик шаклининг *-дар // -дәр* вариантлари Наманган вилоятининг Янгикўрғон, Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманларидаги шеваларда ҳам учрайди⁶. Ишда ўрганилаётган ҳудуд шеваларида қайд этилган кўплик шаклининг кўрсаткичлари бошқа ўзбек шеваларига қиёсланиб, уларнинг ареаллари берилди.

Маҳмуд Кошғарий XI асрдаёқ ўғуз ва қипчоқларда “Талаффузнинг енгиллик бўлиши учун...” оғзаки нутқда баъзи товушларнинг тушириб қолдирилишини қайд этган эди⁷. Дарҳақиқат, ўзбек халқ шеваларида ҳам айрим қўшимчалар ва сўзларнинг бирикишида талаффузда қулайлик талабига кўра қисқалик, тежамлилик тамойиллари амал қилади. Бу фикримизни тадқиқ этилаётган ҳудуд шеваларидаги кўплик шаклининг қисқарган *-лә, -ар, -а* шакллари ҳам қувватлайди. Биринчи бўлимнинг иккинчи банди “Навоий вилояти ўзбек халқ шеваларида эгалик шакллари *ареали*” деб номланган бўлиб, унда эгалик шакллари *ареали*нинг ҳудудий тавсифи берилди. Жумладан, икки тилли (ўзбек-тожик) Қизилтепа, Нурота, Ғазғон шеваларида эгалик қўшимчасининг *-ум, -унг* шакллари мавжуд: *оғлум, оғлунг, боғум, боғунг* каби. Эгалик қўшимчасининг бу варианты Бухоро вилоятининг икки тилли шеваларида ҳам учрайди. Қарлуқ типли шеваларда адабий тилдаги II шахс кўплик шакли *-(и)нгиз* ўрнида мазкур ҳудуд шеваларида *-(ь)йъз* шакли ҳам қўлланилади. Икки унли орасида *нг* нинг *й* га ўтиши [-нг > й] натижасида *-(ь)нгъз* дан ўзгаргандир: [-*(ь)йъз* < *(ь)нгъз*] *этәнъз* > *этәйъз*, *козьнъз* > *козьйъз* > *козьъз* > *козьъз*⁸. Умуман, II шахс кўпликдаги *-(ь)йъз* шакли қарлуқ типли ўзбек шеваларига хос бўлиб, Ўш, Ўзган, Жалолобод, Наманган, Қуйи Қашқадарё, Каттакўрғон, Тошкент, Жиззах шеваларида ҳам учрайди⁹. Вилоятнинг Олтинсой, Хонақа, Кўксарой, Дўрман каби қипчоқ типли шеваларида қарлуқ типли шеваларнинг таъсири натижасида *-(ь)йъз* шакли фаол қўлланилмоқда.

Қипчоқ типли ҳудуд шеваларида эгалик шаклини ҳосил қилувчи қўшимчалар, бошқа қипчоқ типли ўзбек шеваларидагидек, палатал сингармонистик вариантларга эгалиги билан характерланади: *энәмъз, кътәбъң, уйымыс* каби. Қипчоқ лаҳжасида эгалик қўшимчасининг I ва II шахс кўплик шаклида *з* ва *с* ундошларининг алмашилиб қўлланиши Чўя, Қизилча, Қирқарик, Ижанд, Қумрабод, Ажрим, Дўрман қипчоқ лаҳжасига оид шеваларида кузатилади: *уйымыс, гунаҳынъыз, баланъыс, кытабынъыс.*

⁶ Ўзбек шевалари морфологияси. – Тошкент: Фан, 1984. – Б.7.

⁷ Кошғарий М. Девону луғотит турк. – Тошкент: ЎзФА нашр, I жилд, 1960. – Б.69.

⁸ Решетов В.В., Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек диалектологияси. – Тошкент, 1978. – Б.146.

⁹ Ўзбек шевалари морфологияси. – Тошкент, 1984. – Б.23

Сойкечар: Уйынсқа бэринг. Нурота туманининг кипчоқ типли шеваларига ҳудудий жиҳатдан қўшни бўлган Жўш шевасида ҳам **з** ва **с** ундошлари параллел ишлатилади: *з // с ватамис // ватамиз (отамиз), йешигингиз // йешигингис (эшигингиз)* каби. Эгалик қўшимчасининг *-ынғыз // -ынғыс* вариантлари Самарқанд, Фарғона, Наманган ва Қозоғистон, Туркменистон кипчоқ шеваларида кенг тарқалган¹⁰. Ишда эгалик шакллариининг тадқиқ этилаётган ҳудуд ўзбек шеваларидаги турли фонетик вариантлари кенг таҳлил қилиниб, уларнинг ареаллари берилди.

Биринчи бўлимнинг учинчи банди “*Навоий вилояти ўзбек шеваларида келишик шакллариининг ареали*” деб номланган бўлиб, унда келишик шакллариининг тадқиқ этилаётган ҳудуд шеваларига хос кўринишлари, морфологик хусусиятлари лисоний далиллар асосида таҳлил қилинди. Тадқиқ этилаётган ҳудуднинг қарлуқ ва аралаш типли шеваларида қаратқич келишиги шакли *-нинг* мавжуд эмас. Унинг вазифасини тушум келишиги шакли бажаради. Қипчоқ типли шеваларда ҳам қаратқич келишиги вазифасини бажарувчи тушум келишигининг 15 дан ортиқ ассимилятив вариантлари мавжуд: *[-вь] суввь йўли; [-дъ] укамдъ китъби; [-зъ] бьззъ уй; [-йъ] чъйнаййъ қапқэъ* каби. *-динг // -дың // -тинг // -тынг // -тунг* шакллари кипчоқ типли Конимех, Чўя, Қизилча шеваларида учрайди. Шунингдек, *-тъң // -тың* аффикслари Қозоғистоннинг Туркистон шеваларида ҳам қўлланилади: *Йурттың озъ бьледу*¹¹.

Тадқиқ этилаётган ҳудуд шеваларида тушум келишиги *-нь// -ны, -дъ// -ды, -тъ // -ты, -н* шакллари мавжуд. Тушум келишигининг *-н* шакли Чўя, Қизилча, Конимех шеваларига хос: *қолын йу:дъ, сөзън сөйләдъ* каби. Бу қўшимча мазкур шеваларга қўшни бўлган Жўш, Найман, шеваларида; кипчоқ типли Қашқадарё, Наманган, Хоразм, Иқон, Сайрам, Лақай, Қорабулоқ, Қарноқ шеваларида ҳам қўлланилади. Шунингдек, тушум келишигининг *-н* шакли қадимги ёзма ёдгорликларда ҳам учрайди¹².

Ўрганилаётган шеваларда жўналиш келишигининг *-га, -ка, -га, -қа, -а, -э, -йа, -ңа* каби шакллари мавжуд. Жўналиш келишигининг *-э // -а* шакли қарлуқ типли Кармана, Ҳазора, Қизилтепа шеваларида *ше:рә, ө:рә, бе:рә* сўзлари таркибида қўлланилади. Диалектологик адабиётлардан маълумки, бу шакл ўғуз лаҳжасига мансуб шеваларнинг асосий морфологик кўрсаткичидир. Тадқиқот объекти бўлган шевада ҳам мазкур шакл Бухоро

¹⁰ Мирзаев М.Бухоро группа шевалари. Филол. фанлари д-ри ..дис.–Тошкент,1965. – Б.87; Мухамеджанов К. Ареальное исследование узбекских говоров Южного Казахстана. Автореф. дисс.док.фил.наук. –Ташкент,1988.–22с; Рахимова К. Узбекские говоров Туркменистана (Морфология). Автореф.дисс. док. филол. наук. – Ташкент, 1985. –С.7; Абдуллаев Ф. Кипчакский говор узбекского языка (По материалам Янги-Курганского района Наманганской области) Автореф. дисс. канд. филол.наук.–Ташкент,1957. – С.14.

¹¹ Мухаммаджонов Қ. Туркистон шеваси. Филол. фанлари ном. ...дис. – Тошкент, 1970. – Б.120.

¹² Абдурахмонов Ғ., Шукуров Ш. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси. –Тошкент, 1973. – Б.42.

ўғуз тип шеваларининг таъсири натижасида юзага келган. *Қиёс. Қорақўл: ше:рә, ө:рә, бе:рә; Хоразм: бе:рә, шө:рә, ҳө:рә*¹³.

Навоий вилоятининг Янгиқўрғон, Қоражон, Кескантерак, Ижанд, Қирқариқ, Қизилработ, Симитан, Лангар, Зартепа, Бўғирдоқ, Чўя, Қизилча, Қумрабод, Шибзон каби қипчоқ ва аралаш тип шеваларида *мен, сен* кишилиқ олмошларига кўшилиб келган жўналиш келишигининг *-на* шакли мавжуд: *ма+на, са+на* каби. Қизилча ўзбек шеваларида кексалар нутқида жўналиш келишигидаги *мен, сен* кишилиқ олмошларининг *маган, саган* кўринишлари учрайди. Шунингдек, бу шакл Қорақалпоғистон Республикаси-нинг Кўнғирот, Жанубий Қозоғистон қипчоқ типли шеваларида ҳам хос¹⁴. Ўрин-пайт келишиги вилоятнинг қипчоқ типли шеваларида, ўзбек адабий тилидагидек, *-да // -дә, -та // -тә* тарзида учрайди. Қарлуқ ва аралаш тип шеваларда ўрин-пайт келишиги шакли ўрнида жўналиш келишиги шакли ҳам қўлланилади: *уйга ўтирибди // ад.орф.: уйда ўтирибди* каби. Бу хусусият Самарқанд, Бухоро, Қарши, Каттақўрғон, Ургут, Шаҳрисабз шевалари учун ҳам хосдир¹⁵.

Тадқиқ этилаётган шеваларда чиқиш келишигининг – *дән // -дан, -тан // -тән, -нан // -нән, -зан // -зән, -дың // -тынг // -дунг // -тунг* каби шакллари мавжуд. Қипчоқ лаҳжасига мансуб Нурота туманининг Ажрим, Қизилча, Эски қишлоқлари шеваларида чиқиш келишигининг бошқа шевалар тадқиқига оид ишларда қайд этилмаган *-дың // -тынг, -дунг // -тунг* шакллари аниқланди: *Сувдъ қудуқтунг алдънгмъ?* каби. Шунингдек, Навоий вилоятининг Чўя, Қизилча, Қумрабод шеваларида туркий тилларда XV асрга қадар истеъмолда бўлган восита келишиги шакли *-н, -ин* сақланиб қолган¹⁶: *Эртан кетамиз (Эрта билан кетамиз). Кунун ишлади (Кун билан ишлади)* каби. Шунингдек, мазкур шеваларда *эртан* сўзи *эртага* маъносида ҳам қўлланади: *Эртән энәмга бәлнъсадән жавәпперади.*

Биринчи бобнинг иккинчи бўлими “*Навоий вилояти ўзбек шеваларида сўз туркумларига хос морфологик хусусиятларнинг ареали*” деб номланган бўлиб, унда сифат, сон, олмош, феъл, равиш мустақил сўз туркумлари, шунингдек, ёрдамчи сўз туркумларига хос морфологик хусусиятлар ҳудуд шевалари мисолида таҳлил қилиниб, уларнинг бошқа ўзбек шеваларида бўлган муносабати кўрсатиб берилди. Ушбу бўлим беш банддан иборат бўлиб, биринчи банди “*Навоий вилояти ўзбек шеваларида сифат ва сон сўз туркумига оид морфологик хусусиятларнинг ареали*” деб номланган. Тадқиқ этилаётган ҳудуд шеваларида сифат ва сон сўз туркумига оид морфологик

¹³ Мирзаев М. Ўзбек тилининг Бухоро группа шевалари. – Тошкент, 1969. – Б.65.; Абдуллаев Ф.Ф. Ўзбек тилининг Хоразм шевалари. – Тошкент, 1969. – Б.173.

¹⁴ Ибрагимов Й. Жанубий Оролбўйи ўзбек шевалари тадқиқи: филол. фанлари д-ри... дис. – Тошкент, 2000. – Б. 97.; Муҳаммаджонов Қ. Жанубий Қозоғистондаги ўзбек шевалари морфологияси. – Тошкент: Фан, 1983. – Б.78.

¹⁵ Мирзаев М. Ўзбек тилининг Бухоро группа шевалари. – Т., 1969. – Б.47; Шерматов А. Қарши шевасининг баъзи морфологик хусусиятлари. – Т. 1961. – Б.26; Жўраев Б. Юқори Қашқадарё ўзбек шевалари. – Тошкент, 1969. – Б.100.

¹⁶ Қаранг: Абдурахмонов Ғ., Рустамов А. Қадимги туркий тил. – Тошкент, 1982. – Б.32; Абдурахмонов Ғ., Шукуров Ш. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси. – Тошкент, 1973. – Б.59-61.

хусусиятлар, асосан, бошқа ўзбек шевалари ва ўзбек адабий тилидагидек бўлса-да, ўзига хос фарқланишга ҳам эга. Шуниси эътиборлики, озайтирма даража шаклини ҳосил қилувчи [-имтил // -имтир] кўшимчаси бошқа ўзбек шевалари ва адабий тилда ранг-тус сифатларига кўшилса, тадқиқ этилаётган шеваларда *аччиқ* маза-таъм сифатига ҳам кўшилиб, *ачқимтил // ачқимтир* тарзида белгининг меъёрдан озлигини ифодалайди. Навбахор туманининг Бурқут қишлоғи шеvasида тартиб соннинг қадимий -(u)нч шакли қайд этилди: *бърънч*, *ъккънч* каби. Бу шакл туркий тилларнинг илк даврлари ёзма ёдгорликлари тилида учраши тадқиқотларда қайд этилган¹⁷.

Биринчи боб иккинчи бўлимнинг “*Навоий вилояти ўзбек шеваларида олмош сўз туркумига оид морфологик хусусиятларнинг ареали*” деб номланган иккинчи бандида тадқиқ этилаётган ҳудуд шеваларида олмошларнинг қўлланилишидаги ўзига хос жиҳатлар таҳлил қилинди. У, бу кўрсатиш олмошларига ўхшатиш-қиёслаш маъносини билдирувчи шакллар кўшилиши натижасида ҳосил бўлган *ундақанги*, *бундақа*, *унайчъкън*, *бунайчықын*, *бунайчън* каби ўнга яқин шакллар ишда бошқа ўзбек шеваларига қиёсланиб, ҳудудий кўринишлари харитада кўрсатилди.

Иккинчи бўлимнинг учинчи банди “*Навоий вилояти ўзбек шеваларида феъл сўз туркумига оид морфологик хусусиятларнинг ареали*” деб номланган. Тадқиқ этилаётган шеваларда ҳам феъл туркумига оид сўзлар морфологик кўрсаткичларнинг миқдоран кўплиги ва ранг-баранг маъно қирраларига эгаллиги билан тавсифланади. Жумладан, тадқиқ этилаётган шеваларда буйруқ-истак майлининг II шахс кўплик шакли бир қанча вариантларига эга: *кетънг*, *э:нг*, *көрънгъз*, *тушынъыс*, *келъзлэ*, *ке:нгнәр* каби. Бу кўшимчалар семантик жиҳатдан ҳам ўзаро фарқланади. Қиёс.: *ке:нгнәр* (умумга нисбатан буйруқ, таклиф); *келъзлэ* (ёши улуг ёки ҳурматли кишига нисбатан буйруқ, таклиф).

Маҳмуд Кошғарийнинг кўрсатишича, XI аср турк тиллари ўртасида ҳам буйруқ-истак майли II шахс кўплик шаклининг қўлланишида айрим фарқлар бўлган. Буйруқ-истак майлининг II шахс кўплиги учун -ъң // -иң // -ң, -ыңлар // -ъңлар/ (-ңлар // -ңлар) аффикслари қўлланилган бўлиб, булардан қайси бирининг қайси маънода ишлатилиши диалектал асосга эга бўлган. Ўғуз ва қипчоқларда кўплик учун -ың // -иң // -ң кўшимчаси ҳурмат учун эса з товуши орттирилиб, -ыңыз // -ъңыз // -ңыз // -ңыз (барың, барыңыз) шаклида қўлланилган. Бошқа туркларда эса -ың // -иң // -ң аффикси ҳурмат маъносида, кўплик учун эса -лар // -лар аффикси кўшилиб, -ыңлар // -ъңлар// -ңлар аффикси ишлатилган¹⁸.

Ўтган замоннинг аналитик -(u)б эди шакли тадқиқ этилаётган шеваларда турлича кўринишга эга. Бу шакл Нурота туманининг қипчоқ типли Қадок, Қирҳовуд, Ҳасанота, Анна, Тутли, Сойкечар қишлоқларидаги туркманлар шеваларида -(u)ведъ тарзида учрайди: *кетъведъ*, *айтъведим*, *баръви:дъм*

¹⁷ Абдурахмонов Ғ., Рустамов А. Қадимги туркий тил. – Тошкент: Ўқитувчи, 1982. –Б.33.; Фозилов Э. Ўзбек тилининг тарихий морфологияси. – Тошкент: Фан, 1965. –Б.71–72

¹⁸ Кошғарий М. Девону луғотит турк. –Тошкент: ЎзФА нашр, II жилд, 1961. –Б.50-51; III жилд, 1963. –Б.327-328.

каби. Шунингдек, **б** ўрнида **в** қўлланилиши Хоразм қипчоқ шеваларида ҳам учрайди. Қиёс: Хоразм (қипчоқ): *баръви:дъм, баръви:дънг, баръви:дъ, баръви:дък, баръви:дънглер, баръви:дъ(лер)*¹⁹. *-(и)б* эди шакли мазкур худудга қўшни бўлган Чўя, Жарма, Хатирчи туманининг Лангар қўрғони худудида жойлашган Сайёд, Торома, Крим, Қозоқ қишлоқлари шеваларида учрайди: *бэриб эдъм, айтъб эдъм* каби. Шунингдек, бу шакл Туркистон группа қорлуқ-қипчоқ²⁰, Юкори Қашқадарё қипчоқ типли ўзбек шеваларида ҳам учрайди²¹. Ўтган замоннинг қарлуқ типли барча ўзбек шевалари учун хос бўлган *-увди* шакли тадқиқ этилаётган худуднинг қипчоқ, аралаш типли шеваларида ҳам қўлланилмоқда: *бэрувдим, айтувдинг, лувди* каби.

Ўтган замон давом феълнинг *-(а)р* эди шакли Навоий вилоятининг барча шеваларида, асосан, *-(а)йди* тарзида қўлланилади: *айтәйдъм, сорәйдънг, бъләйдълә*. Бу шакл Қашқадарё, Қарнаб, Фориш шевалари учун ҳам хос. Шунингдек, тадқиқ этилаётган худуднинг шаҳар типли шеваларида, хусусан, Кармана шеваларида эса бу *-(а)сди* шаклида ҳам учрайди: *бэрасдъм, айтәсдънг, бъләсдъ* каби.

Тадқиқ этилаётган шеваларда ҳозирги замон давом феълнинг *- йәп // -яп, -әп // -йәп* шакллари қўлланилади. Жумладан, *-әп // -йәп* шакллари вилоятнинг қарлуқ типли Қизилтепа, Кармана тумани шеваларига хос: *айтәпман, бэрсәсәз, ьшләйәпсән* каби. Ҳозирги замон феълнинг “Бухоро–Самарқанд” группа шевалари учун хос бўлган *-йәп // -әп* формасининг пайдо бўлиши аслида “ётибдур” феълнинг борган сари қисқариб, ихчамланиб, аффикс ҳолига келиб қолганлиги билан боғлиқдир²².

Ўзбек халқ шеваларида феълнинг барча нисбатлари, асосан, ўзбек адабий тилидаги маъноларида учраса-да, тадқиқ этилаётган худуд шеваларида нисбат шакллариининг қўшилишида ўзига хос жиҳатлар ҳам мавжуд. Бу худуд шеваларида нисбат шакллариининг фонетик хилма-хиллиги, қўлланилиш даражаси кабилар билан боғлиқ. Жумладан, Қизилтепа, Кармана туманларининг қарлуқ ва аралаш типли шеваларида ўзбек адабий тилидаги *-каз // -киз* шакллари билан бирга *-кар // -кир* шакллари кенг қўлланилади: *ўтказмоқ // ўткармоқ, битказмоқ // биткармоқ* каби. Орттирма нисбатнинг *-кар // -кир* шакллари эски ўзбек адабий тили ёзма манбаларида, жумладан, Навоий асарларида ҳам кенг қўлланилган: *...Бу икки киши умр зое ўткардилар...*²³ Шунингдек, қарлуқ ва аралаш типли шеваларда ўзбек адабий тилидаги *-из* орттирма нисбат шакли билан параллел равишда *-ир* шакли ҳам қўлланилади: *әқизмәқ // әқирмәқ, әмизмәқ // әмирмәқ* каби.

Тадқиқ этилаётган худуд шеваларида феълнинг вазифа шакллари қўшимчаларининг қўлланилишида ҳам ўзига хос жиҳатлар мавжуд. Адабий тилдагидек, ушбу қўшимчалар феълларни гап таркибидаги бошқа сўзларга

¹⁹ Абдуллаев Ф. Ўзбек тилининг ўғуз лаҳжаси. –Тошкент, 1978. –Б.165.

²⁰ Мухаммаджонов Қ. Жанубий Қозоғистондаги ўзбек шевалари морфологияси. –Т. 1983. –Б.122.

²¹ Жўраев Б. Юкори Қашқадарё ўзбек шевалари. –Т.: Фан, 1969. –Б. 24.

²² Мирзаев М. Ўзбек тилининг Бухоро группа шевалари. – Тошкент: Фан, 1969. – Б.59.

²³ Навоий А. Тўла асарлар тўплами. Ўн жилдик: тўққизинчи жилд.–Тошкент: Гафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. –Тошкент, 2013. –Б.514.

боғлаш билан бирга уларнинг синтагматик (қўшничилик) муносабатларини кенгайтириш вазифасини ҳам бажаради. Навоий вилоятининг ҳар учала тип шеваларида ҳаракат номи шаклини ҳосил қилувчи *-(u)ш* қўшимчаси кенг тарқалган: *ишлаш, бориш* каби. Шунингдек, қипчоқ типли шеваларда *-(y)в* шакли ҳам кенг қўлланилади: *Унънг бэқувъ зўр. Оқув керэк* каби. Ҳаракат номининг *-(y)в* аффикси билан ясалган шакли ҳозирги ўзбек тилида *-(u)ш* ёрдами билан ясалган формасига нисбатан кам ишлатилиб, унинг қипчоқ шеваларида кенгрок қўлланади²⁴. Ҳаракат номининг бўлишсизлик шакли тадқиқ этилаётган ҳудуднинг қипчоқ ва аралаш тип шеваларида *-маш* шакли воситасида ифодаланади: *бэрмәш керэк, қайтмәш керэк* каби.

Мазкур ҳудуд шеваларида келаси замон сифатдоши шаклини ҳосил қилувчи қўшимчалар кўп вариантлилиги билан диққатга сазовор: *- адъган // -йдыган, -адыган // -йдыган, -адыган // -йдыган, -атурган // -йтурган, -атуган // -йтуган, -адуган // -йдуган, -(а)йкән, -(ә)йткән, -әткән, -кән, -гъч // -къч // -қыч // -гыч* каби. Ишда юқоридаги шакллар ҳудуд шеваларидан ёзиб олинган лисоний далиллар асосида таҳлил қилиниб, бошқа ўзбек шевалари билан қиёсланган ва ареаллари берилган.

Ўрганилаётган ҳудуд шеваларида кўмакчи феълларнинг қўлланилишида ҳам ўзига хос жиҳатлар мавжуд. Қипчоқ типли Нурота туманининг Эски, Чашма қишлоқлари шеваларида *ётибди* кўмакчи феъли ўзбек адабий тилидаги *юрибди* кўмакчи феъли маъносида қўлланилади: *Балаларъ энәсьнъкъгә кельб-кетъб жатыпти*. Ад.тил: *Болалари онасиникига келиб-кетиб юрибди*.

“Навоий вилояти ўзбек шеваларида равиш сўз туркумига оид морфологик хусусиятларнинг ареали” деб номланган биринчи боб иккинчи бўлимнинг тўртинчи бандида шеваларда учрайдиган равиш сўз шаклларининг диалектал хусусиятлари кенг таҳлил қилинган. Мазкур ҳудуд ўзбек шеваларида *нэхсдән* (тўсатдан), *бәзорға* (зўрға), *қычап* (қистаб), *әтъб-бетъб* (бир амаллаб) каби бир қанча ҳолат равишлари; *ьлгәръттән, әзәлдән // әзәллән, тунэвун, тунун, кечън, кунун, бурнагыкун, бужириқ (бу сафар), кьмқачән* (аллақачон), *бър пәсьл // бър сәпъл, шу пъллә* каби пайт равишлари; *өрлж // ө:рж* (у ёкрок), *берлж* (берирок), *чәккәгә* (чеккага), *ьлдъгә* (олдига) каби ўрин равишлари; *гәртәк, гәртәй, қъттәк, азраққина* каби миқдор равишлари қўлланилади.

Ҳудуд шеваларида адабий тилдаги *бу, у, шу* олмошлари билан шаклланган *бу йер, у йер, шу йер, бу ёқ, у ёқ, шу ёқ* каби ўрин маъносини ифодаловчи сўзлар келиши шаклларини олиб, қарлуқ лаҳжасига оид Қизилтепа, Кармана шеваларида *бе:рә, ше:рә, ө:рә*; қипчоқ ва аралаш тип шеваларида *бе:ргә, ше:ргә, и:ргә; ба:ққа, ша:ққа, эққа* тарзида қўлланилади. Агар бу равишлар *мана, ана, ўша* сўзлари билан шаклланган бўлса, *манйагда, анйагда, ошагда*; айрим қипчоқ тип шеваларда эса *анжақда, манжақда, мәнъйдә* каби кўриниш олади.

²⁴ Мелиев К. Ҳозирги туркий тилларда ҳаракат номлари. – Тошкент, 1969. –Б.65.

Биринчи боб иккинчи бўлимнинг бешинчи банди *“Навоий вилояти ўзбек шеваларида ёрдамчи сўз туркумларига хос морфологик хусусиятларнинг ареали”* деб номланган бўлиб, унда кўмакчи, боғловчи, юкламаларнинг тадқиқ этилаётган ҳудуд шеваларига хос кўринишлари аниқланиб, бошқа ўзбек шеваларига қиёсланди ва ареаллари белгиланди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ўзбек шеваларидаги бирор морфологик шаклнинг кўп вариантлилиги ушбу шеваларнинг тадрижий тараққиёт тарихи, ўзига хос шароитда ривожланиши, кўшни ҳудуд шевалари ва ҳудуд шеваларининг ўзаро ички таъсири, бошқа тилларнинг ҳудуд шеваларига таъсири каби омиллар билан боғлиқ. Ўзбек шеваларининг жуда кўплаб хусусиятларини ўзида сақлаган Навоий вилояти шевалари тадқиқотда Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Қашқадарё, Сурхондарё, Жиззах, Сирдарё, Тошкент, Андижон ҳамда Қорақалпоғистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Тожикистондаги ўзбек шевалари билан қиёсий тадқиқ қилинди. Мазкур шеваларни бирлаштирувчи кўпгина муштарак жиҳатлар мавжуд бўлса-да, тадқиқот объекти бўлган Навоий вилояти ўзбек шеваларининг ўзига хос морфологик бирликлар, грамматик хусусиятларга эгаллиги ишда ҳудуд шеваларидан тўпланган лисоний далиллар таҳлили асосида кенг ёритиб берилди.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Навоий вилояти ўзбек шеваларида сўз ясалиши ҳодисасининг ареали”** деб номланиб, уч бўлимда ўз аксини топган. Мазкур бобнинг биринчи бўлими *“Сўзнинг фонетик ва морфологик тузилиши”* деб номланган. Шевага хос сўзнинг морфологик хусусиятларини ўрганишда, албатта, унинг фонетик ва морфологик тузилишини инобатга олиш зарур. Мазкур бўлимда тўпланган фактик материаллар таҳлили асосида сўзнинг морфологик тузилишида содир бўлган фонетик ҳодисалар юзасидан экскурслар берилди.

Мазкур бобнинг *“Навоий вилояти ўзбек шеваларида морфологик усулда ясалган сўзларнинг ареали”* деб номланган иккинчи бўлимида тадқиқ этилаётган ҳудуд ўзбек шеваларида турли туркумга оид *-чъ; -вон // -бон // -бән; -доз // -дөз; -гъ // -къ // -гы // -қы; -әк; -уч; -манд // -ман // -ванд, -лък // -лъй // -лыг // -лық, -хәна, -ық, -ла* каби сўз ясовчи қўшимчалар воситасида ясалган сўзлар ўрганилиб, уларнинг ҳудудий тавсифи берилди.

